Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 3 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 34 (6930)

Da'vat

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил.
Ҳам жонларига моъ-яи дармон бўлгил.

Алишер НАВОИЙ.

Ibrat

Яқинда «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси тумандаги боқувчисини йўқотган оилаларнинг 26 нафар фарзандлари суннат тўйларини ўтказиб берди. Тўй куни тўйболаларга Халқ банкида ҳисоб рақами очилиб, ҳар бирига 1000 сумдан пул ўтказилди.

Munosabat

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР — ЗАРУРИЯТ

Ёш мамлакатимиз ривожининг бугунги босқичида халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш эҳтиёжи сезилаётгани мўътабар йиғинларда ҳам тилга олинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида 9-синфни битириб, ўқишсиз, касбсиз қолаётган ёшларимиз, айниқса, қизларимиз ҳақида давлатимиз раҳбари қуйиниб гапирганди. Бу масала юртбошимизнинг халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида яна бир бор кўтарилди.

«Ёшлар тарбияси, таълим олиши, иш билан таъминланиши ҳақида гап борар экан, менинг фикримча, биринчи навбатда халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш, аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирлар иш тополмай, ишга жойлашолмай овора бўлиб юришибди.

Рақамларга мурожаат қилайлик: Республикада жами 5 миллион 200 мингдан ортиқ ўқувчи бор. Шундан 9-синфни битирувчилар 455 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 250 мингга яқини 10-синфда ўқишни давом эттиради.

Энди бир тасаввур этайлик: 9-синфни битирганларнинг қолган қисми, яъни 200 мингдан ошиқ боламиз қаерга боради?

Маълумотларга қараганда, 100 минг таси махсус ўқув юртларида касб ўрганар экан. Қолган 100 мингдан ортиқ ўсмир кўчада қолаяпти.

Афсуски, муаммо шу билан чекланмайди. Ҳар йили 11-синфни битираётган ёшларнинг 25 минг нафари ёки 10 фоизи олий ўқув юртларига киради. Қолган 90 фоизи ихтисосга, малакага эга бўлмаган ёшлар нима билан шуғулланмоқда?

Бундай муаммо Андижондек аҳолиси зич вилоятда, айниқса, долзарбдир. Чунки ишсиз қолаётганларнинг камида ўндан бир қисми шу вилоятга тўғри келаяпти.

Бугун биз мана шу масалаларни кўзда тутиб, маориф тизимини бутунлай ўзгартириш, замон талабига жавоб берадиган мажбурий умумий 9 йиллик ўрта таълим тизимини, шу билан бирга, ихтиёрий-мажбурий равишда яна уч йиллик ўқув юртларини ҳар қайси туман, шаҳарларда ташкил қилиб, уларда фарзандларимизнинг ўқувини энг замонавий услубда жорий этиб, болаларимизга авваламбор бугунги ҳаёт талаб қиладиган касб бериш, уларни ҳаётга тайёрлаш каби бурчимизни бажариш ҳақида янги қонун ва фармонлар тайёрлаш тўғрисида бош қотирмоқдамиз».

Бу сўзларда ярқ этиб кўзга кўринган фикрлардан бири 9-синфдан кейинги мажбурий ихтиёрий 3 йиллик ўқувдир. Юртбошимиз бу масалага эътибор бераётганликлари бежиз эмас. Бу ҳақда нутқда жумладан шундай дейилди: «Ҳаммамиз яхши биламиз: 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр — инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз?

Жамиятимиз истиқболини, миллатимизнинг тақдирини, иқболини, бахту саодатини ўйлар эканмиз, энг аввало, мана шу саволга жавоб топишимиз керак».

Ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама пухта ишланиши зарур бўлган жараён. Бу катта эътиборни, катта меҳнат ва маблағларни талаб қилса-да, тарихий тадбир бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Шунингдек, сессияда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам чуқур таҳлил этилди, вазифалар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала ҳам кўрилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан, Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Қобилжон Обидов Андижон вилояти ҳокими этиб тайинланди.

КЕЛАЖАГИМИЗ УМИДЛАРИ

Банк молия академиясида Президент грантлари учун синовлар давом этмоқда



Фарзандларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказиш олдимизда турган биринчи галдаги вазифадир. Давлатимиз ёш авлоднинг тарбиясига, уларнинг илму ҳунар эгаллашига алоҳида диққат-эътибор ва масъулият билан қарамоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони ана шу ғамхўрликдан, диққат-эътибордан дарак беради. Мазкур жамғарма мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўша оладиган садоқатли, иқтидорли ёшларга дунё стандартлари даражасида таълим бериш, устивор ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича миллий кадрлар, малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил қилинди. Бу мақсадларни амалга ошириш учун республикамизнинг барча вилоятларидаги турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, чуқур билимли ёшлар, олий ўқув юртларини тугатган ёш мутахассислар танлов йўли билан саралаб олиниб, хориждаги етакчи олий ўқув юртларининг бакалавриат ёки магистратура бўлимларига ўқишга, шунингдек, тажриба орттиришга юбориш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда «Умид» ўз фаолиятини бошлаб юборди. Шуни мамнуният билан қайд қилиш мумкинки, ёшларимиз орасида илмга чанқоқ, интилувчан йигит ва қизлар кўпчилик экан. Газета саҳифаларида эълон пайдо бўлган кундан бир ҳафта ўтар-ўтмас, «Умид» жамғармаси 1800 дан ортиқ ҳужжатни қабул қилиб олди. Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Мухтор Республикасидан хориждa таълим олишни истовчи қобилиятли йигит ва қизлар келдилар.

Танлов шартлари бўйича талабгорлар, аввало, чет тили бўйича тест синовларидан, сўнгра ўзлари танлаган ихтисослик бўйича тест ва суҳбатдан ўтказилди. Демак, талабалар чет тили ва мутахассислик фанларини, шунингдек, компьютер техникасини яхши эгаллаган бўлишлари шарт. Ҳозиргача ўтган синов босқичлари ёшларимизнинг компьютер ва чет тилларини анча пухта эгаллаганликларини, улар орасида иқтидорли, қобилиятли йигит-қизлар анча кўплигини кўрсатди. Бироқ асосий мақсад устивор соҳалар бўйича яхши мутахассис тайёрлаш бўлгани учун биринчи босқич — чет тили синовидан муваффақиятли ўта олмаганлар ҳам иккинчи босқичга — мутахассислик синовига киритилди. Бу уларга ўзларини яна бир бора синаб кўриш имконини берди. Шуниси қувонарлики, биринчи босқичдан ўта олмаган ёшлар ҳам руҳан тушкунликка тушмадилар ва ўз устларида мустақил ишлашни тўхтатмадилар. Бу янгича фикрлаш, янгича таълимнинг асоси бўлмиш лицейлар, гимназиялар ва ихтисослашган мактабларнинг, айниқса малакали педагогларимизнинг хизмати, албатта. Қолаверса, кўпчилик ёшларимиз учун бу танлов ўзининг қайси жиҳатларига эътибор бериши кераклигини кўрсатувчи кўзгу вазифасини ҳам ўтади.

«Умид», албатта, Ўзбекистонни келажакда энг илғор мамлакатлар қаторига қўшишга хизмат қиладиган, унинг шон-шуҳратини тиклашга қодир йигит ва қизларни танлаб олади. Барча синов босқичларидан муваффақиятли ўтган ёшларимиз хориждаги етакчи олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Улар ўзлари танлаган соҳалар бўйича чуқур билим олиб ва тажриба ўрганиб қайтадилар ҳамда озод Ватанимизни обод ўлкага айлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Хадича МУҲИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳурматли педагоглар, тарбиячилар!

«Маърифат»га иккинчи ярим йил учун обуна расман бошланди. Ўйлаймизки, таълим-тарбия ишига бефарқ бўлмаган, унинг янгиликлари билан қизиққан зиёлилар бизнинг маърифий даврамизни тарк этмайди.

Индексимиз:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун — 64683

КЎЗГУДА АКС ЭТАЁТГАН САМАРҚАНД

2-БЕТ.

КОСМОСГА БИРИНЧИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР

4-БЕТ.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) бош котиби Жеймс Шаверни қабул қилди.

Мурунтов конига асос солинганининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу кон ходимлари ва кончиларига самимий истаклар битилган табрик йўллади.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Японияниг Сакура банки бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацуи раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б. Ҳамидов билан учрашди.

Доғистон билан Чеченистон чегарасидаги Россия хавфсизлик кучлари ҳамда чечен ҳарбийлари ўртасидаги жиддий тўқнашувга чеченларнинг Доғистон ҳудудига киришга уринганликлари сабаб бўлди, дея хабар бермоқда Россиянинг Шимолий Кавказдаги Ҳарбий қўмондонлиги.

АҚШ БМТнинг иқтисодий танг ҳолда қолган Шимолий Кореяга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифларини биринчилардан бўлиб қабул қилади, деди АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Николас Бернс.

Қозоғистон ҳукуматининг тақиқига қарамасдан Олмаотада уйғурлар Хитой Халқ Республикасида уч нафар уйғурнинг қатл этилиши муносабати билан норозилик намойиши ўтказишди. Натижада элликка яқин уйғур қамоққа олинган, дея хабар беради Франспресс ахборот агентлиги.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

АКАДЕМИЯГА НОМЗОДЛАР

Шу кунларда Россия Фанлар академиясига аъзо бўлиш учун даъвогарлар ўртасида тортишувлар кетмоқда. ФАдаги 285 ўринга бўлган номзодлар сони 2062 нафарни ташкил этди. Энг қизғин кураш физика, астрономия институтларига тўғри келмоқда. Россияда ҳозирги пайтда 980 нафар академик ҳамда мухбир аъзо бўлиб, ўртача ёш 68 га тўғри келади, шулардан 190 нафар академик чет эллик олимлардир.

ЕВРОПАДА ҲАЁТ БОРМИ?

АҚШ космик тадқиқотлар агентлиги НАСА томонидан учирилган Галилей сунъий йўлдоши Юпитер сайёрасининг йўлдоши — Европадан 692 километр масофадан учиб ўтди ҳамда унинг суратларини юборди. Мутахассислар фикрича, суратларда кўриниб турган ёриқлар Европа устининг муз плиталардан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Аризона университети олими Кристофор Чиба тўрт миллиард йил ичида Европа музликларида ҳам ҳаёт шакллари пайдо бўлган бўлиши мумкин, деган хулосага келди.

МЕҲРИБОНЛИК ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

1997 yil — Inson manfaatlari yili

Мамлакатимизда 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас. Бунинг замирида аввало юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони ижтимоий ҳимоялаш, яъни уни нафақат моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, балки инсонни маънавий камол топтириш, қадр-қимматини кўтариш ва жамиятга фойда келтирувчи фаолиятга ундаш масалалари ҳам ётади. Ана шу нуқтаи назардан олганда, республикамиз халқ таълими соҳасида кейинги йилларда кўп хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Яқинда Андижон вилоятида халқ таълими ходимлари томонидан республика миқёсидаги семинар-кенгашнинг ўтказилиши ҳам бунга яна бир мисол бўла олади. Йиғилиш асосан «Соғлом авлодни камол топтиришда одоб ва ахлоқ» ҳамда «Халқ таълими ходимлари саломатликларини тиклаш» мавзуида олиб борилди. Унда республиканинг барча вилоятларидан келган педагог раҳбар ходимлар, Андижон вилояти ва туман ҳокимликларининг вакиллари, ҳомий ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар. Аввалдан шуни айтиш керакки, семинар-кенгаш бошидан охиригача ишчан руҳда ўтди. Таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлди.

Кенгаш иштирокчилари ишни дастлаб Андижондаги таълим-тарбия муассасаларида, оромгоҳларда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқиш, ишлаш ва дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар, устоз фахрийларнинг қадр-қимматини қай тартибларда ўз жойига қўйилаётгани кабилар билан танишишдан бошладилар. Бу борада тўпланган тажрибаларни ўргандилар.

●

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев анжуманда кўзланган мақсадни ойдинлаштириб, қурилаётган масаланинг иложи борича кенгроқ ва атрофлича муҳокама этилишини, мавжуд тажрибаларга ўрганиш назари билан қарашни алоҳида таъкидлади.

Очиғини айтганда, муаллимлар олдидаги долзарб вазифалар ҳеч қачон кам бўлмагану лекин вазирнинг нутқидан сезилдики, бу галги анжуманда маслаҳатлашиб оладиган юмушлар бошқа даврларга нисбатан ҳам анчагина тўпланиб қолган экан.

— Вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарларининг ўқишини ташкил этмаяпмиз, — деди Ж. Йўлдошев сўз орасида, — сабаби — мана шундай учрашувларда, йиғилишларда бугунги даврга хос кўплаб муаммоларни тез-тез ҳам илмий, ҳам амалий тарзда кўриб чиқяпмиз.

Бу ерда меҳрибонлик уйлари, оромгоҳлар, саёҳатлар, ўқитувчиларнинг дам олиши, нуроний муаллимларга эътибор, кутубхоналар, маҳаллий адабий муҳит, китобга муносабат, фахрийлар жамғармасининг номи каби бир қанча бугуннинг муаммолари таҳлил этилди, уларга ечимлар изланди.

●

Биламизки, республикамизнинг ҳар бир вилоятида меҳрибонлик уйлари бор. У ерда турли сабабларга кўра қаровсиз қолган болалар таълим-тарбия оладилар, бир сўз билан айтганда, истиқомат қиладилар. Бу бегуноҳ ўғил-қизлар ҳам эл қатори давлат муассасаларида таълим-тарбия олиш, эл қатори яшашдек тўлақонли ҳуқуққа эга. Уларни республика ҳукумати азалдан ўз қарамоғига олган, ардоқлаган, ўқиттан. Бундай савобли, хайрли ишга ҳозирги кунда ҳукуматимиз, халқимиз янада саховатпешалик билан ёндошмоқда. Уларни миллий тавсифда «Меҳрибонлик уйлари» деб атай бошладик. Хўш, мазкур муассасаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бугунги кунда етарлими? Улар моддий ёки маънавий жиҳатдан муҳтож-маҳтал бўлиб қолишмаяптми?

Андижон вилояти мисолида бу масала кўрилганда кўпгина яхши ишлар борлиги аён

(Давоми 3-бетда).

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ТУРМУШГА ТАЙЁРМИСИЗ, ҚИЗЛАР?

Ҳар бир жамиятнинг пойдевори бу — оила. Оила мустаҳкамлиги ва унинг барқарорлиги мамлакат тинчлиги ва осойишталигини таъминлайди. Андижон тумани Орол қишлоғида жойлашган 31-мактабда ўтказилган «Турмушга тайёрмисиз, қизлар?» мавзуидаги давра суҳбати ҳам айнан эртанги кун туғилажак янги оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унда юқори синф ўқувчи қизлари ўзларини қизиқтирган «Эпли бўлиш маъқулми, сепли бўлиш», «Қариндош-уруғчиликдаги никоҳ» каби ўнлаб мавзулардаги саволларга жавоблар олишди.

Кечада иштирок этган туман хотин-қизлар кенгаши раисаси Фотимахон Маҳмудова, маданият ишлари бўлими мудираси Одинахон Тўйчиеваларнинг берган маслаҳат ва жавоблари ўқувчиларни жуда мамнун қилди.

Ф. ЖУМАЕВА.

ВАТАН — ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Бухоронинг 2500 йиллик муборак тўйига бағишлаб Пешку туман маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, туман «Камолот» жамғармаси билан Ибн Сино номидаги 1-мактабда ўтказилган анжуманни ана шундай номлашди.

Анжуманда туман маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири Р. Аслонов, туман прокурори ёрдамчиси Х. Ҳасанов, туман ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Ш. Нуруллаев, туман халқ таълими бўлими услубчиси С. Қодиров ва бошқалар Ватанга муҳаббат, қадриятлар, миллий анъаналар, оила, ёшлар тарбияси хусусида сўзладилар.

Р. АСЛОНОВ.

БАРЧА БИРДЕК ХУРСАНД

Ниҳоят бизнинг 1-ўрта мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчиларининг ҳам кўп йиллик орзуси ушалди. Мактабимизга бир миллион сўмлик 11 дона компьютер ўрнатилди. Бундан ота-оналар ҳам мамнун. Негаки, уларнинг фарзандлари ҳам энди компьютерлар билан муомала қилишни ўрганишади-да!

Мактаб маъмурияти келгуси ўқув йилидан 1-синфдан бошлаб компьютер дарсларини киритишни режалаштирди.

Дарвоқе, мактаб ўқувчилари ушбу хайрли ишни амалга оширган Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ва Пайариқ туман халқ таълими бўлими ходимларига ўз миннатдорчиликларини билдириб, келажакда, албатта, амалий ишлар билан жавоб беражакларини айтишяпти.

Ш. ОТАҚУЛОВ.

КЎЗГУДА АКС ЭТАЁТГАН САМАРҚАНД

Davlat test markazi tahlili

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	829	52.02	1	1089	62.26	1
2	Каттақўрғон шаҳри	82	45.22	12	45	60.93	2
3	Оқтош шаҳри	41	38.08	19	18	50.15	8
4	Самарқанд тумани	394	47.22	8	64	48.61	11
5	Каттақўрғон тумани	419	47.77	7	24	53.36	4
6	Нарпай тумани	351	45.13	13	2	36.11	17
7	Ургут тумани	576	48.65	6	11	50.25	6
8	Булонғур тумани	454	47.14	9	27	50.21	7
9	Жомбой тумани	355	49.79	4	28	49.21	10
10	Иштихон тумани	371	44.75	15	15	45.00	14
11	Нуробод тумани	168	49.31	5	36	56.10	3
12	Пастдарғом тумани	597	43.20	17	50	49.28	9
13	Челак тумани	253	45.06	14	8	42.36	16
14	Оқдарё тумани	270	50.28	3	10	50.28	5
15	Пахтачи тумани	546	43.56	16	19	44.15	15
16	Ғўзалкент тумани	156	43.16	18	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	350	46.21	10	4	45.14	13
18	Тойлоқ тумани	373	51.01	2	6	45.83	12
19	Қўшработ тумани	322	45.38	11	1	22.22	18

Узбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълими тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди. Халқ таълими тизимини такомиллаштиришнинг бир қатор долзарб муаммолари борки, улар қисқа вақт ичида ўз ечимини топишини тақозо этади.

Ушбу муаммоларни вужудга келтирувчи омиллар ва уларни бартараф этишнинг самарали усулларидан бири Узбекистон Республикаси олий ўқув юртларига кирувчилар учун ўтказилган тест синовлари натижаларини ҳар томонлама чуқур илмий асосда таҳлил этишдир.

1996 йилда ўтказилган такомиллаштирилган тест синовлари натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу педагогик тестлар нафақат талабаларни танлашда, балки уларга билим бериш, ўргатиш билан бирга мамлакатимизда, вилоятларда ва ҳатто ҳар бир туманда, мактабларда маълум фанларнинг ўқитилиш даражасини ҳам белгилаб бермоқда.

Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган тест синовларининг жуда кўплаб имкониятлари, яъни қирралари очилмоқдаки, уларнинг натижаларидан фойдаланиш мактаб дарсликларидаги камчиликларни, таълим тизимидаги баъзи самарасиз усулларни бартараф этиш имконини бермоқда.

Газетанинг бугунги саҳифасида Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларидан 1996 йилда тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг натижалари жадвал ва гистограммалар кўринишида берилди.

Самарқанд вилоятининг натижаларини республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри буйича фанлардан эришган самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидагиларни берди:

Фанлар	Самарадорлик кўрсаткичи (%)	Республикадаги ўрни	Республика бўйича ўртача самарадорлик (%)
Узбек тили ва адабиёти	47,13	4	45,41
Математика	39,82	9	40,65
Физика	28,19	5	27,43
Биология	56,61	5	54,64
Кимё	42,93	5	42,82
Тарих	55,47	1	51,22
География	44,22	8	43,33
Инглиз тили	41,44	4	38,81
Немис тили	28,48	5	27,26
Француз тили	30,04	6	29,26

Вилоятнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларини туман ва шаҳарларнинг кўрсаткичлари билан таққослаш натижасида қуйидагиларни кўриш мумкин:

Вилоят миқёсидаги самарадорлик кўрсаткичлари ўзбек тили ва адабиёти, физика, биология, тарих, география ва чет тиллари бўйича Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан юқори.

Самарқанд шаҳри ўзбек тили ва адабиёти, математика, кимё, инглиз тили, немис тили, Қўшработ тумани — физика, Оқдарё тумани — биология, Каттақўрғон шаҳри — тарих, Иштихон тумани — география, Ғузалкент тумани — француз тили фанлари бўйича вилоятнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан юқори эканлигини кўрсатди.

Лекин Оқтош шаҳри (ўзбек тили ва адабиёти, физика, биология, кимё, тарих фанларидан), Пахтачи, Ғузалкент, Пастдарғом, Челак, Иштихон, Жомбой, Пойариқ, Нуробод туманлари ва Каттақўрғон шаҳарларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг айрим фанлардан эришган самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан бирмунча паст эканлиги кузатилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари гистограмма ва жадвалларда келтирилган таҳлилий материалларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, таълим жараёнини такомиллаштириш, самарали услубларни қўллаш буйича керакли чора-тадбирлар белгилайдилар, деб умид қиламиз.

	Шаҳарлар ва туманлар	Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	256	50.30	1	398	61.79	1
2	Каттақўрғон шаҳри	44	41.48	7	18	61.57	2
3	Оқтош шаҳри	16	41.84	4	15	42.04	12
4	Самарқанд тумани	126	45.57	2	24	52.31	7
5	Каттақўрғон тумани	156	41.19	8	14	58.53	4
6	Нарпай тумани	132	40.05	10	2	30.56	16
7	Ургут тумани	205	35.92	16	1	44.44	11
8	Булонғур тумани	166	36.70	15	6	53.70	5
9	Жомбой тумани	118	41.81	5	12	51.16	8
10	Иштихон тумани	132	35.73	17	3	34.26	15
11	Нуробод тумани	55	41.77	6	28	52.88	6
12	Пастдарғом тумани	190	37.09	14	21	50.79	9
13	Челак тумани	83	34.64	18	0	0.00	0
14	Оқдарё тумани	71	39.12	11	2	50.00	10
15	Пахтачи тумани	225	32.33	19	7	41.67	13
16	Ғўзалкент тумани	48	38.43	12	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	161	40.42	9	1	61.11	3
18	Тойлоқ тумани	93	37.40	13	2	38.89	14
19	Қўшработ тумани	164	44.95	3	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	54	30.30	4	127	40.55	2
2	Каттақўрғон шаҳри	16	24.83	18	11	43.69	1
3	Оқтош шаҳри	9	24.38	19	4	20.83	11
4	Самарқанд тумани	50	29.89	5	14	31.75	5
5	Каттақўрғон тумани	76	27.45	11	8	29.86	7
6	Нарпай тумани	64	25.56	17	0	0.00	0
7	Ургут тумани	62	26.70	13	1	27.78	9
8	Булонғур тумани	73	28.01	8	3	26.85	10
9	Жомбой тумани	36	26.16	16	5	32.78	4
10	Иштихон тумани	48	26.33	14	2	13.89	13
11	Нуробод тумани	25	26.89	12	21	31.35	6
12	Пастдарғом тумани	67	28.11	7	8	37.50	3
13	Челак тумани	34	32.60	2	0	0.00	0
14	Оқдарё тумани	22	27.53	9	1	19.44	12
15	Пахтачи тумани	132	26.24	15	3	28.70	8
16	Ғўзалкент тумани	21	32.01	3	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	56	29.32	6	0	0.00	0
18	Тойлоқ тумани	44	27.46	10	0	0.00	0
19	Қўшработ тумани	84	32.94	1	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	181	51.60	1	186	54.05	6
2	Каттақўрғон шаҳри	17	38.40	14	9	62.96	4
3	Оқтош шаҳри	15	30.56	19	3	43.52	10
4	Самарқанд тумани	100	45.83	5	15	40.56	12
5	Каттақўрғон тумани	122	46.93	4	2	73.61	1
6	Нарпай тумани	109	39.30	12	0	0.00	0
7	Ургут тумани	166	47.76	3	2	40.28	13
8	Булонғур тумани	115	43.74	7	7	45.24	9
9	Жомбой тумани	103	37.27	16	3	31.48	14
10	Иштихон тумани	126	45.52	6	6	47.69	7
11	Нуробод тумани	39	40.17	11	5	42.78	11
12	Пастдарғом тумани	186	38.81	13	12	47.22	8
13	Челак тумани	91	42.22	9	2	61.11	5
14	Оқдарё тумани	94	50.65	2	2	23.61	15
15	Пахтачи тумани	149	36.73	17	2	65.28	2
16	Ғўзалкент тумани	56	40.28	10	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	92	35.33	18	0	0.00	0
18	Тойлоқ тумани	146	43.68	8	3	62.96	3
19	Қўшработ тумани	76	38.01	15	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	198	62.14	3	209	60.90	6
2	Каттақўрғон шаҳри	15	52.78	13	9	58.64	8
3	Оқтош шаҳри	15	41.48	19	1	72.22	4
4	Самарқанд тумани	108	60.16	4	15	50.74	12
5	Каттақўрғон тумани	128	62.61	2	2	76.39	1
6	Нарпай тумани	112	55.23	11	0	0.00	0
7	Ургут тумани	183	58.15	5	2	52.78	11
8	Булонғур тумани	120	54.38	12	7	54.37	10
9	Жомбой тумани	101	50.06	18	4	47.22	14
10	Иштихон тумани	127	56.39	10	6	55.56	9
11	Нуробод тумани	42	51.59	16	4	68.06	5
12	Пвстдарғом тумани	212	51.55	17	13	43.80	15
13	Челак тумани	93	57.47	7	2	59.72	7
14	Оқдарё тумани	100	63.61	1	2	47.22	13
15	Пахтачи тумани	147	56.97	9	2	75.00	3
16	Ғўзалкент тумани	64	52.04	14	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	92	51.78	15	1	27.78	16
18	Тойлоқ тумани	148	57.98	6	3	75.93	2
19	Қўшработ тумани	75	57.37	8	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	402	61.11	3	509	66.01	2
2	Каттақўрғон шаҳри	24	65.86	1	18	59.41	4
3	Оқтош шаҳри	11	37.63	19	3	45.37	12
4	Самарқанд тумани	176	57.02	8	25	62.56	3
5	Каттақўрғон тумани	143	58.22	5	8	70.83	1
6	Нарпай тумани	122	51.21	14	1	25.00	16
7	Ургут тумани	215	56.67	9	8	55.90	6
8	Булонғур тумани	184	54.09	11	14	50.00	9
9	Жомбой тумани	143	61.42	2	12	51.62	8
10	Иштихон тумани	124	51.14	15	6	48.15	11
11	Нуробод тумани	78	59.94	4	7	43.25	13
12	Пвстдарғом тумани	226	52.31	13	18	52.31	7
13	Челак тумани	88	47.60	18	6	25.46	15
14	Оқдарё тумани	106	57.78	6	6	56.02	5
15	Пахтачи тумани	205	49.04	17	11	42.42	14
16	Ғузалкент тумани	47	49.88	16	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	114	52.68	12	2	50.00	10
18	Тойлоқ тумани	143	57.15	7	1	25.00	17
19	Қўшработ тумани	90	54.10	10	1	16.67	18

	Шаҳарлар ва туманлар	География					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	6	45.83	6	17	54.25	1
2	Каттақўрғон шаҳри	1	36.11	17	0	0.00	0
3	Оқтош шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
4	Самарқанд тумани	5	40.56	14	2	34.72	3
5	Каттақўрғон тумани	7	40.48	15	0	0.00	0
6	Нарпай тумани	6	47.69	3	0	0.00	0
7	Ургут тумани	17	37.25	16	0	0.00	0
8	Булонғур тумани	15	45.56	7	0	0.00	0
9	Жомбой тумани	8	45.49	8	1	38.89	2
10	Иштихон тумани	8	58.33	1	0	0.00	0
11	Нуробод тумани	0	0.00	0	0	0.00	0
12	Пвстдарғом тумани	8	47.22	4	0	0.00	0
13	Челак тумани	9	46.60	5	0	0.00	0
14	Оқдарё тумани	8	48.61	2	0	0.00	0
15	Пахтачи тумани	1	44.44	9	0	0.00	0
16	Ғўзалкент тумани	5	43.89	10	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	20	42.92	12	0	0.00	0
18	Тойлоқ тумани	13	43.38	11	0	0.00	0
19	Қўшработ тумани	11	41.92	13	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	399	52.56	1	587	61.11	4
2	Каттақўрғон шаҳри	25	46.56	2	13	63.46	3
3	Оқтош шаҳри	7	31.35	17	0	0.00	0
4	Самарқанд тумани	109	43.76	3	24	46.53	9
5	Каттақўрғон тумани	97	35.48	11	10	51.39	8
6	Нарпай тумани	58	34.24	14	1	72.22	1
7	Ургут тумани	109	41.11	6	6	37.50	13
8	Булонғур тумани	107	35.46	12	11	53.28	7
9	Жомбой тумани	105	38.17	9	9	44.75	10
10	Иштихон тумани	70	31.75	16	2	44.44	11
11	Нуробод тумани	12	28.01	19	4	55.56	6
12	Пастдарғом тумани	78	41.70	5	13	56.84	5
13	Челак тумани	17	42.32	4	1	16.67	16
14	Оқдарё тумани	33	39.81	7	3	66.67	2
15	Пахтачи тумани	56	32.59	15	8	42.71	12
16	Ғузалкент тумани	15	28.33	18	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	75	39.63	8	3	25.93	15
18	Тойлоқ тумани	82	34.89	13	3	29.63	14
19	Қўшработ тумани	69	36.15	10	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	71	36.62	1	93	48.36	1
2	Каттақўрғон шаҳри	19	29.97	7	10	45.00	2
3	Оқтош шаҳри	4	23.61	18	8	44.10	3
4	Самарқанд тумани	88	32.95	4	8	34.72	7
5	Каттақўрғон тумани	62	28.05	8	3	39.81	6
6	Нарпай тумани	47	31.26	5	0	0.00	0
7	Ургут тумани	110	24.62	17	0	0.00	0
8	Булонғур тумани	45	27.65	9	4	43.75	4
9	Жомбой тумани	80	33.99	2	8	31.94	8
10	Иштихон тумани	42	26.59	13	1	19.44	14
11	Нуробод тумани	65	30.21	6	3	21.30	12
12	Пастдарғом тумани	176	27.56	10	11	28.79	9
13	Челак тумани	85	24.80	16	5	21.11	13
14	Оқдарё тумани	35	25.40	14	2	25.00	11
15	Пахтачи тумани	130	24.85	15	3	26.85	10
16	Ғўзалкент тумани	30	23.15	19	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	45	27.35	11	0	0.00	0
18	Тойлоқ тумани	54	33.33	3	0	0.00	0
19	Қўшработ тумани	26	26.82	12	1	41.67	5

	Шаҳарлар ва туманлар	Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Самарқанд шаҳри	59	34.51	2	35	56.90	2
2	Каттақўрғон шаҳри	2	27.78	15	0	0.00	0
3	Оқтош шаҳри	1	22.22	17	1	33.33	6
4	Самарқанд тумани	18	31.17	5	1	77.78	1
5	Каттақўрғон тумани	36	30.79	6	1	47.22	4
6	Нарпай тумани	39	27.78	13	0	0.00	0
7	Ургут тумани	67	27.99	12	2	26.39	10
8	Булонғур тумани	69	30.64	7	2	15.28	11
9	Жомбой тумани	11	21.72	18	1	36.11	5
10	Иштихон тумани	56	28.22	11	4	28.47	9
11	Нуробод тумани	15	29.81	9	0	0.00	0
12	Пвстдарғом тумани	23	31.52	4	2	47.22	3
13	Челак тумани	0	0.00	0	0	0.00	0
14	Оқдарё тумани	66	29.92	8	2	30.56	7
15	Пахтачи тумани	9	25.00	16	2	29.17	8
16	Ғўзалкент тумани	9	41.67	1	0	0.00	0
17	Пойариқ тумани	40	32.71	3	0	0.00	0
18	Тойлоқ тумани	17	29.25	10	0	0.00	0
19	Қўшработ тумани	40	27.78	14	0	0.00	0

Rasmiy bo'lim

1996 – 1997 ўқув йилида ўрта умумтаълим мактабларида битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақида

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 28 февраль 1996 йил 53 рақамли буйруғига мувофиқ Республика мактабларининг 9- ва 11-синфларида битириш имтиҳонлари ўтказилади. Имтиҳонларни тавсияномада кўрсатилганидек ЭҲМда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Республика Таълим марказида барча фанлар бўйича кўп вариантли тестлар ёзилган дискетлар тайёрланди ва улар шартнома асосида жойларга тарқатилмоқда. Мутахассислар улардан фойдаланиш ва имтиҳонларни ўтказиш бўйича тавсиянома ҳам тайёрлаганлар. Правец-8А ва IBM, ЭҲМ синфлари бўлмаган мактабларда ёки бошқа бирор сабабга кўра ЭҲМда имтиҳон ўтказиш имкони бўлмаган жойларда билетлар асосида ўтказилиши мумкин. Бунинг учун Республика Таълим маркази томонидан нашр этилган «Умумтаълим мактабларининг 1996 — 1997 ўқув йили учун она тили ва адабиёт, рус тили, хорижий тиллар, Ўзбекистон тарихи, кимё, жисмоний тарбия фанларидан битириш имтиҳон билетлари ва методик тавсиялар тўплами»дан фойдаланилади.

Тўпламда техник сабабларга кўра ўтиб кетган баъзи бир камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу сабабли ундан қуйидаги тузатишларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишни тавсия этамиз. Кимё фани учун чиқарилган материалда 18-билет (3-савол) $ZnCl_2$ формуласи ортиқча; 20-билет (1-савол) «Табиий ва изопрен синтетик каучук» ўрнига «Изопрен каучук», 3-саволида «Ҳаво» сўзи ортиқча.

Жисмоний тарбия фанидан 9-синфда ўспиринлар учун «Козел»дан эмас, «Кон» устидан оёқларни кериб сакраш; Кросс юришида ҳамма синфлар учун 1000 метр белгиланади.

Узбекистон тарихи фани бўйича мустақилликка эришилгандан сўнг тарихимизга бўлган қарашлар ўзгарди. Шу муносабат билан дастур ва дарсликлар қайта ишланмоқда ва чоп этилмоқда. Лекин улар билан ҳамма ўқувчиларни бир вақтда тўла таъминлаш имкони бўлмаганидан айрим жойларда дастурдан бироз орқада қолиш ҳоллари кузатилди. Шуни ҳисобга олиб имтиҳон билетларининг қайта тузилган нусхасини тавсия этмоқдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАН БИЛЕТЛАР 9-СИНФ

БИЛЕТ № 1

1. ХV аср охири — XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий аҳвол.
2. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши. Маъмурий тузуми.

БИЛЕТ № 2

1. Турон халқларининг Александр Македонский ҳужумига қарши кураши.
2. XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол.

БИЛЕТ № 3

1. Кушон давлатининг ташкил топиши.
2. Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши. Босқин арафасида Россия ва Англия рақобати.

БИЛЕТ № 4

1. Ўрта Осиё Салавкийлар давлати таркибида.
2. Россия томонидан Бухоро амирлигининг бўйсундирилиши. Туркистонда бошқарув тизими.

БИЛЕТ № 5

1. Эфталлар давлатининг ташкил топиши.
2. Хива хонлигининг бўйсундирилиши. Туркистонда бошқарув тизими.

БИЛЕТ № 6

1. Илк феодализм даврида халқ қўзғолонлари: Маздак, Абрўй.
2. Мустамлака Туркистонидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

БИЛЕТ № 7

1. Сомонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.
2. Мустамлака Туркистони саноати ва қишлоқ хўжалиги.

БИЛЕТ № 8

1. Қорахонийлар давлати.
2. XIX аср охирида Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати.

БИЛЕТ № 9

1. Шайбонийлар давлати.
2. XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлигининг иқтисодий-сиёсий аҳволи.

БИЛЕТ № 10

1. Аштархонийлар давлати.
2. XIX аср охири — XX аср бошларида Хива хонлигининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи.

БИЛЕТ № 11

1. Хоразмшоҳлар давлатининг юксалиши.
2. Туркистонда капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши.

БИЛЕТ № 12

1. Этник жараёнлар. Ўзбек халқининг ташкил топиши.
2. XIX аср охирида Туркистон саноати ва темир йўл қурилиши.

БИЛЕТ № 13

1. Амир Темур давлати.
2. Жадидлар ва уларнинг фаолияти.

БИЛЕТ № 14

1. Амир Темур даврида шаҳарлар, ҳунармандчилик ва савдо.
2. Биринчи Рус революцияси йиллари(1905 — 1907)да Туркистон ўлкаси.

БИЛЕТ № 15

1. Темурийлар даврида хўжалик ва маданий ҳаёт.
2. Биринчи жаҳон уруши йиллари(1914 — 1918)да Туркистон ўлкаси.

БИЛЕТ № 16

1. Туркистонда мўғул истилолари.
2. 1917 йилда Бухоро амирлиги.

БИЛЕТ № 17

1. Чиғатой улусининг ташкил топиши. Хўжалик ва сиёсий ҳаёт.
2. 1917 йилда Хива хонлиги.

БИЛЕТ № 18

1. Улуғбек Мирзо даврида Мовароуннаҳр.
2. XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда халқ таълими тизими.

БИЛЕТ № 19

1. XVI — XVII асрларда Ўрта Осиё маданияти.
2. Реакция йиллари-(1908 — 1910)да Туркистон.

БИЛЕТ № 20

1. XVII аср охири — XIX аср бошларида ўзбек хонликларида сиёсий ва иқтисодий аҳвол.
2. 1917 йил февраль инқилоби арафасида Туркистонда сиёсий вазият.

БИЛЕТ № 21

1. Мовароуннаҳрда араб истилолари.
2. 1916 йил июль халқ қўзғолони.

БИЛЕТ № 22

1. Турк хоқонлигининг ташкил топиши.
2. Қўшҳокимиятчилик (1917 йил) даврида Туркистон.

БИЛЕТ № 23

1. Чиғатой улусида сиёсий тарқоқлик.
2. XVIII асрда Қорақалпоғистон.

БИЛЕТ № 24

1. IX — XII асрларда Мовароуннаҳр фани ва маданияти.
2. 1914 — 1918 йилларда Туркистон ўлкаси.

БИЛЕТ № 25

1. Дин. Зардуштийлик, будда, Ислом, маънавийлик.
2. XIX асрнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон.

ЭСЛАТМА:

Жойларда ҳар бир мактабнинг ўқитувчилар кенгаши ўз шароитидан келиб чиқиб, билет саволларига 15 фоизгача ўзгартириш киритиши мумкин.

РТМ.

Iqtisod saboqlari

ҲАЁТ ВА МЕҲНАТ

Шу уринда кундалик ҳаракатда булган оддий шахсга нималар зарур булади, — деган савол туғилади. Бунинг учун бир мисолга разм солайлик. Биргалашиб мактабга келаётган ўқувчи ёки ўқитувчининг устида ва қулида нималар борлигига эътибор қилайлик. Эгнида палто (қиш пайти), унинг остида костюм-шим, куйлак, ички кийимлар, бошида телпак, оёғида носки, ботинка, қулида портфел, унинг ичида китоб, дафтар, ручка ва бошқа нарсалар мавжуд. Мактабга келаётган бир ўқувчи ёки ўқитувчи ўзи билан 20 хилдан зиёд нарсаларни олиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси шу шахсга керак булганлиги учун унинг эгнида ва қулида мавжуддир.

Тарихий китобларда ёзилишича, улуғ бобомиз Амир Темурнинг ҳар бир аскари ўзи билан бирга эллик хилдан зиёд зарурий нарсаларни олиб юрган. Уларда ҳаттоки йиртилган кийим ва пойафзалларни тикадиган ип, нина ва жуволдизлар ҳам мавжуд булган.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар тартиб сақловчилари (милицияси)нинг ҳар бирида кийим-бошдан ташқари ўттизга яқин нарсалар борлигини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Агар юқорида келтирган мисолларимизни якка шахсдан оилага, жамоага ва мамлакат миқёсидаги жамиятга қўчирсак, инсон учун керакли булган нарсалар беҳисоб эканлигига иқрор буламиз. Дарҳақиқат, бир оилада уй шароитида йиғилган нарсаларнинг хили мингдан ортиқ эканлигига эътибор қилавермаймиз. Айни пайтда халқимизнинг «Керакли тошнинг оғирлиги йуқ», деган доно мақолини эслаш жоиздир. «Хуш, уша «керакли тош» ва жамики инсониятнинг бир меъёрда яшаб ҳаёт кечириши учун зарур булган нарсалар қаердан олинади, уларнинг манбаи нимада?» — деган савол ҳам туғилади.

Инсонларга керакли жамики нарсаларнинг манбаи табиатдир. Одамларнинг яшаб ҳаёт кечиришлари учун табиатда руғлик, иссиқлик, ҳаво, сув, ер усти бойликлари (тупроқ, ўт, ўрмон), ер ости бойликлари, сув ости бойликлари мавжуд. Оламдаги инсонлар жамиятининг тараққиёти табиатнинг шу буюк неъматларига асосланган булиб, улар ҳеч қачон бирларидан ажралмайдилар. Демак, одамлар табиатнинг маҳсули сифатида ўзларининг яшашлари учун зарур булган инъомларни ишлаб чиқариб, биргаликда ривожланиб борадилар.

«Шу уринда инсон ким ва унинг моҳияти нимада?» — деган саволга шарқ мутафаккири ва шоири Фирдавсийнинг ифодаси билан жавоб берсак, маъқул булур:

«Инсон буюк табиатнинг олий маҳсулидир; у ақл-заковат ва сўз эгасидир; у сўзсиз табиат ҳукмронидир», — деб таъкидлайди шоир.

Мазкур ифодаларга эътиборни қаратиб фикр юритадиган булсак, табиат билан инсон бирлигига, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмаслигида ишонч ҳосил қиламиз. Демак, инсон ўзининг руҳияти ва ақл-заковати билан табиатдаги бошқа махлуқотлардан фарқланади ва шунинг учун у табиатда ҳукмронлик қилади, ўзининг фойдали амаллари натижасида яшаб ҳаёт кечириш учун меъёрий шароит яратади. Бундай шароит табиатдан олиниб ҳосил қилинадиган уч манбага: озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар; уй-жойларга асосланади.

Инсон тирик жон, шунинг учун унинг ҳаётини белгиловчи манба, аввало, озиқ-овқатдир. Хуш, бу манба табиатдан қандай ажратиб олинади, қандай қилиб озиқ-овқат инсон бевосита истеъмол қиладиган ҳолатга келтирилади?

Озиқ-овқат хом ашёсини ҳосил қилиш учун ер ҳайдайдиган, ер юмшатадиган, сувларни тақсимлайдиган, экадиган, парвариш қиладиган, йиғиб-териб оладиган, ташиб келтирадиган ва бошқа тизим воситалар зарур булади. Буларсиз хом ашё маҳсулотларини ҳосил қилиш мумкин эмас. Тангри-таолонинг амри билан ақл-заковат эгаси булган Ер юзидаги барча инсонлар ўзлари учун зарур булган озиқ-овқатларни минг йиллар давомида шу юқоридаги тизим асосида ишлаб чиқариб, ривожлантириб келган. Масалан, бундан 1—1,5 аср муқаддам ер ҳайдаш учун асосан от, ҳўкиз ва кези келганда одам кучидан фойдаланилган булса, ҳозирги кунга келиб бир неча ўнлаб ва юзлаб от кучига эга булган замонавий трактор ва бошқа техника турлари пайдо булди. Бу эса инсон ўзига керакли булган асосий манбани бойитиб ва такомиллаштириб бориши натижасида юз берди. Кийим-кечак ва уй-жойлар тўғрисида фикр юритадиган булсак ҳам ана шундай хулосаларга келамиз.

Ҳозирги пайтга келиб, инсонларни яшаб кун кечиришлари учун зарур булган нарсаларнинг миқдори ва хиллари шунчалик кўпки, уни ҳисоблаб охирига етиш қийин. Буларнинг ҳаммаси меҳнат натижасида яратилади.

Меҳнат ўзининг моҳияти жиҳатидан икки хил булади:

— ақлий меҳнат;

— жисмоний меҳнат.

Меҳнатнинг мазмунини бундай тақсимлаш, аввало рамзий булиб, у мамлакат миқёсида иш билан банд булган кишилар таркибини белгилайди. Амалий — ҳаётий шароитда эса ақлий меҳнат қилувчи киши жисмоний меҳнат ва аксинча жисмоний меҳнат соҳиби ақлий меҳнат билан шуғуллана олиши мумкин. Умуман, кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ўнлаб ва юзлаб меҳнат турлари бор. Шу меҳнат турларининг ҳаммаси одамларнинг зарурияти ва эҳтиёжини қондириш учун шакллланган объектив қонуниятлардан келиб чиқади. Шунинг учун улар бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва ҳеч қачон мавҳум, яъни алоҳида ажралган ҳолда рўй бермайди. Масалан, шифокорнинг меҳнати туфайли бир меҳнаткаш деҳқон ёки механизатор даволаниб, оёққа туради ва у яна ўз меҳнат фаолиятига қайтади. Ва аксинча шифокор истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва ишлатаётган дори-дармонлар асосида уша бобо деҳқоннинг меҳнати мавжуддир.

Мамлакат иқтисодиётини тараққий қилдиришда меҳнат қилишнинг қандай таркибини шакллантириш мақсадга мувофиқ булади, — деган савол туғилиши табиий. Бу аслида жуда мураккаб муаммо булиб ақлий ва жисмоний меҳнатнинг маълум бир ўзгармас таркибини олдиндан айтиш қийин. Аммо бир нарса аниқ ва равшан, яъни истиқболдаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жисмоний меҳнатни камайиб, ақлий меҳнатнинг ортиб бориши билан боғлиқдир.

Жаҳондаги давлатлар тажрибасидан маълумки, қайси мамлакат ҳукумати зиёбахш (интеллектуал) меҳнатчиларга эътибор бериб, уларнинг улушини кўпайтириб боришга кўмаклашган булса, уша мамлакатда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт тез сурьатлар билан ривожланиши рўй беради. Бу жараёнда илм-фан ва техника тараққиётини тарқатувчиларни ҳар томонлама рағбатланитириб бориш бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида етакчилик қилаётган икки ривожланган буюк давлат АҚШ ва Японияда илм ва техника тараққиётини аъло даражада баҳолаб, моддий томондан қўллаб-қувватлаганликлари учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муъжиза деб аталмиш даражасига қадар етиб борилди. Ана шундай муъжизавий шароитда жисмоний меҳнат қилувчиларнинг иш-ҳаракат турлари ўзгариб боради. Металл қирқувчи ва ишлов берувчи дастгоҳларни жисмоний куч билан бошқариш усуллари автоматик — пульт усуллари билан алмашиб, саноат ишлаб чиқаришидаги иш жараёнлари аста-секин автоматлашиб, компьютерлашиб боради.

Қишлоқ хўжалигидаги деҳқоннинг иш жараёнлари ҳам машина ва технологик тизимлар зиммасига ўтади. Демак истиқболдаги жисмоний меҳнат соф ҳолатда бўлмасдан ақлий-жисмоний меҳнат билан алмашиб боради.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, келажакда меҳнат жараёни ҳар қанча такомиллашмасин иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосини, яъни пойдеворини ташкил қилган меҳнат турлари, касб-ҳунарлари деярли ўзгармай қолаверади. Масалан, деҳқон, соҳибкор, чорвадор, шифокор, қулол, дурадгор, меъмор, қассоб, ошпаз, тикувчи, туқувчи, муаллим, санъатчи ва бошқа касб эгалари бундан минг йиллар аввал ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам мавжуддир ва бундан кейин ҳам мавжуд булади.

Меҳнатнинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайди, деб уқтиришади бизнинг отахон ва онахонларимиз. Бунинг боиси шуки уша меҳнат одамларнинг кундалик ва истиқбол эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилгандир. Шу уринда таъкидлаш жоизки инсон учун ариқда оқиб кетаётган сув ҳам ва бир неча юз метр чуқурликдан қазиб олинадиган кумир ҳам зарур. Агарда оз меҳнат сарф қилиб олинадиган манбалар масалан, сув кишини бевосита озиқ-овқатга ва бошқа эҳтиёжларга булган талабини қондирса, қийинчилик билан қазиб олинадиган кумир кишилар хонадонини иситиш учун, саноатда энергия манбаи сифатида қулланилади. Шунинг учун оғир меҳнат орқали бунёд этилишига қарамасдан кумир ҳам, нефть ҳам, темир ҳам, жазирама иссиқ макони бўлмиш чўл ва дашти сахроларга келтирилаётган сув, тоғларда қурилаётган йўллар, минглаб зиёбахш кишиларнинг ақл-заковати билан миллионлаб меҳнаткаш қўлларнинг ҳаракати натижасида пайдо буладиган мураккаб машиналар ва бошқа жамики нарсалар инсонга зарурдир.

Юқорида зикр қилинган ва кундалик ҳаёт учун керак булган барча воситалар — нарсалар одамларнинг фойдали меҳнатлари натижасида пайдо булади ва шакллланади. Ким яхши меҳнат қилса, у, албатта, яхши яшайди. Бунга ҳаётдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Зотан, мактабда аълочи бўлишнинг омили нимада? Меҳнатда. Билимдон ўқитувчи, мукаммал олим, яхши муҳандис, уста жарроҳ, пухта қурувчи, зеҳнли учувчи ва умуман етук фуқаро бўлишнинг асосий манбаи ҳам биз юқорида таъкидланган самарали меҳнатдадир.

Ҳазрати инсон ўзининг фойдали-самарали меҳнати билан узлуксиз мавжудлигини намоён этади. Бундай мавжудлик бир жойда ўзгармай турмайди, у ҳамиша ривожланиб, тараққий этиб боради. Бунинг сирини билиш омиллари ва қонуниятларини эса биз иқтисод ва иқтисодиётдан билиб оламиз.

Ноҳид НИЁЗОВ,
иқтисод фанлари номзоди, профессор.
Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Боши ўтган сонларда.

(Боши 1-бетда).

МЕҲРИБОНЛИК ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

бўлди. Ҳозир вилоят бўйича иккита меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатяпти. Пахтаобод туманидаги бундай муассасада 200 нафар ота-онасидан қаровсиз қолган ва ногирон ўғил-қизлар таълим-тарбия олаяпти. Унинг алоҳида оромгоҳи ҳам бор. Болалар ёз ойларида у ерда уч сменада тўлиқ дам оладилар.

Андижон шаҳридаги меҳрибонлик уйида эса 100 нафарга яқин бола тарбияланади. Унинг электр аппарати қурилмалари заводидек бой ҳомийси бор. Бу ерда кўпроқ ота-онасиз қолган ўғил-қизлар истиқомат қилишади. Улар ёз ойлари Қорасувдаги оромгоҳда уч сменада тулиқ ва фаол дам оладилар. Иккала маскан ҳам вилоят ва туман ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармасининг доимий диққат-эътиборида. Маориф раҳбарлари, айниқса, меҳрибонлик уйларининг таълим-тарбия савиясини юксалтиришга, моддий-техник асосини кучайтиришга кўп эътибор беришади. У ерга ҳар ташриф буюрганларида имконият даражасида қуруқ қўл билан боришмайди. Бошқа ташкилотлар ҳам иложи борича меҳрибонлик кўрсатишяпти.

Мисол учун, Андижондаги меҳрибонлик уйига яқинда битта «Дамас» автомобили, тўртта «ДЭУ» телевизори, битта видеомагнитофон ва ҳоказолар совға қилинди. Буларнинг барчаси юртимизда, халқимизда кўпроқ миллатимизга хос серсаховатлилик, меҳрибонлик ҳали ҳам ўз ўрнида турганини, ҳозирги иқтисодий жиҳатдан вақтинча ҳеч кимга осон тутиб булмайдиган қийинчилик бундай туйғуга путур етказмаслигини кўрсатиб турибди.

Ҳозир республика бўйича болалар оромгоҳларига мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган. Уларнинг моддий-техника асоси, бу борада тўпланиб қолган муаммолар ўрганиляпти. Мутахассисларнинг семинарлари ташкил этиляпти.

Семинарда оромгоҳлар мураббийлигига кўпроқ юқори курс талабаларини жалб этиш, касб ўрганишга йўналтирилган ва репететорлик оромгоҳларини ташкил этиш, бунда ота-оналар билан шартнома тузиш, ички имкониятларни тулиқроқ ишга солиш лозимлигини кўрсатиб ўтди.

•

Яхши ишлаш учун ўз вақтида яхши дам олиш керак булади. Шунинг учун ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар билан бамаслаҳат ҳолда уқитувчиларнинг дам олиш уйларини ташкил этиш таълим тизими олдида муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Андижонда эса маорифчиларнинг дам олишини ички имкониятлар даражасида ташкил этишга ҳеч кимнинг кўрсатмасисиз, аллақачон катта эътибор берилган. Ҳолбуки, мазкур анжуман ялпи мажлис кисмининг Хўжаобод туманидаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Дилкушод» дам олиш уйида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бу маскан ҳақида республика доирасида кўпчилик билади. Семинар иштирокчилари Лотконтепанинг ҳазрати Бобур қадамжолари бўлмиш шу оромгоҳнинг қулайликларини ўз кўзлари билан кўришди.

Уқитувчилар дам олиш уйига 80 ёшга яқинлашиб қолган, муҳтарам устоз Зулунхўжа Карамхўжаев бошчилик қилади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан «Дилкушод» 1992 йилда ташкил этилган эди. Бугунги кунга келиб дам олиш уйида йилига 1600 киши ҳордиқ чиқаради. Бу ерда ҳар бир оила, гуруҳ учун алоҳида шинам, замонавий жиҳозланган уйлар бор. Келажакда оромгоҳда тиббий хизмат ҳам кенг йўлга қўйилади.

•

Манфаатдорлик одамларни ҳаракатга ундайди. Мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор бериб келинмоқда. Маошларнинг, нафақаларнинг босқичма-босқич ошириб борилиши, фахрийларга яратилаётган имтиёзлар қўламининг кенгайтирилиши, айниқса, жорий йилнинг «Инсон манфаатлари йили» деб аталиши ва ҳоказолар кўп ҳам изоҳ талаб этмаса керак. Бу уринда шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ҳозирги кунда Узбекистонда 2,5 миллиондан ортиқроқ киши нафақа олади.

Албатта, ҳар бир фармон, ислоҳот одамларга хизмат қилади. Ҳукуматимиз фуқароларнинг фаровонлиги учун ҳар қачон қайгураверади. Аммо манфаат сўзининг ўзи ҳар бир жамият аъзосига масъулият юклаши лозим.

Сендан ҳаракат, мендан баракат, деб бежиз айтилмаган. Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари бу фикрлардан жуда яхши хулоса чиқаришди ва тез орада амалий ишга ўтиш лозимлигини тушунишди. Шу алфозда халқ таълими соҳасида ишлаб фахрийликка чиққан фуқароларни битта ташкилотга жамлаш, улар ҳолидан хабар олиш, ёш авлодни тарбиялаш борасида нуронийлар тажрибасидан фойдаланиш фикри туғилди. Ташаббус барча жойларда қўллаб қувватланди. Шу тариқа 1991 йили халқ таълими фахрийларининг вилоят кенгаши тузилди. Мана, қарийб орадан 7 йил вақт ўтди. Шу орада кенгаш томонидан талай ишлар амалга оширилди. Уларнинг сафлари мустаҳкамланди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Президентимизнинг 1996 йил 4 декабрдаги «Узбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони худди халқ таълими фахрийлари вилоят кенгашининг мақсадларини ифодалагандек.

Ҳозир вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 22 та кенгаш тузилган. Улар ҳисобида 346 та бошланғич ташкилот, 243 та фахрийлар гуруҳлари мавжуд. Бугунги кунда вилоятдаги фахрийлар сони 7434 нафарга етди.

Анжуман иштирокчилари вазиримиз таклифига биноан фахрийлар жамғармасини «Нуроний устоз уюшмаси» деб аташга келишиб олдилар. Фахрийларимиз раҳбарлик қилаётган «Педагог одоби» кенгаши, — деди ўз нутқида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабой Халилов, — ўқитувчи-мураббийлар билан бирга ўқувчилар орасида одоб-ахлоқ масалаларини таркиб топтиришда бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Улар маслаҳати билан «Зиёкор» газетаси, халқ таълими музейи ташкил этилди.

Республикамизда 4,5 мингдан зиёд фахрий педагог бор, — деди отахон муаллим Шорахим Гадойбоев. — Уларнинг кўпи нафақага чиқишгач, кўздан четлашади, холидан хабар олинмайди. Андижонлик нуронийлар ташкилоти, аксинча, кексаларимизни фаолликка ундайди, уларнинг умрини узайтиради.

Дунёда ҳаёт бор экан, инсон муттасил янгиликка, ривожланишга интилиб яшайди. Шу алфозда тараққиёт таъминланади. Эски тушунчалар билан яшайвериш, барча соҳаларда кенг қамровли, босқичма-босқич ислоҳотлар ўтказмаслик эса жамиятнинг бир жойда депсиниб қолишига олиб келади.

Бугун республикада бўлгани каби Андижонда ҳам одамлар онгини, уларнинг иш услубларини янгилаш борасида кўпгина ишлар қилинаяпти. Сунгги пайтларда амалга оширилган битта ишни айтиб ўтайлик. Ҳозир барча кутубхоналар, таълим муассасаларида ташкил этилган турли кўринишдаги бурчаклар совет тузуми сиёсатини тарғиб қилуви адабиётлардан, шиорлар, стендлардан тўлиқ равишда тозаланди.

Энди ана шу жойларни нима билан тўлдириш, бойитиш керак, деган савол туғилиши табиий. Албатта, кутубхоналарга мустақиллик йилларида босмадан чиққан хилма-хил илмий, адабий-бадиий, услубий манбалар кириб келди. Лекин бунинг ўзи камлик қилмоқда. Шу уринда муаллимлар, айниқса, фахрий муаллим-устозлар ёш авлодга, улар таҳсил оладиган муассасаларга шахсий кутубхоналарда узоқ йиллардан буён тўплаб келинган, эскича сиёсатга даҳли йўқ адабиётларни тақдим этишяпти. Бундай хайрли иш республика бўйича олиб бориляпти. Биргина мисол. Вазиримиз Ж. Йўлдошевнинг кенгашдаги нутқидан маълум бўлдики, Тошкент шаҳридаги фахрий муаллим, «Маърифат» газетасининг жамоатчи фаол мухбири Ҳамидулла Йўлдошев мактаб кутубхонасига 240 та китоб совға қилибди. Бу, албатта муаллим томонидан энг савобли ишдир.

Бу фикрлар кўпгина соҳалардаги каби халқ таълими тизимида ҳам амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, инсон манфаатлари нуқтаи назаридан келажакда қилинадиган юмушлар мазмунини ифодалайди. Мана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демак, Андижон вилояти халқ таълими соҳасида умуман республика миқёсида ҳукуматимизнинг ички миллий-мафкуравий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларидаги сиёсати, Президентимиз чиқараётган Фармонлар, Халқ таълими вазирлигининг қарорлари, кўрсатмалари ўз вақтида амалда қўлланилмоқда. Андижон вилоятида ўтказилган семинар-кенгаш ана шу йўлда қилинаётган ва қилиниши керак булган саъй-ҳаракатларни ёркин кўзгуда акс эттирди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: семинар-кенгаш кундалигидан лавҳа акс эттирилган.

Hay'at yig'ilishida

ЯХШИЛИК ЙЎЛИДА

Қайсидир маънода эртанги кунинг қисмати бугуннинг илкида ҳал этилади. Демак бугуннинг ютуғига ҳам, қусурига ҳам эртанги кун баб-баробар шерик бўлади.

Республика Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида «Халқ таълими тизимларидаги ҳомийлик ва васийлик органларининг болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни фарзандликка бериш, васий (ҳомий) тайинлаш», «Педагогика институтларида ўқитишнинг техник воситалари ҳамда ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳамда уни яхшилаш чоратадбирлари» масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимиздаги болалар ва ота-онасининг раҳнамолигисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни фарзандликка бериш ёки уларга васий (ҳомий) тайинлаш борасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш бўйича қилинаётган ишлар билан бир қаторда жойларда мазкур масала бўйича етарли ишлар олиб борилмаётгани, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон «Оила ва Никоҳ Кодекси», Халқ таълими вазирлиги ва Республика Прокуратураси ҳамкорлигида тайёрланган идоравий ҳужжатларнинг бажарилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини вазирлик ва Республика Прокуратураси аниқлаганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Айниқса Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида Халқ таълими вазирлигининг болаларни фарзандликка бериш бўйича йўриқномаларининг қатъий бажарилиши етарли назорат қилинмаганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, шу кунларда долзарб бўлиб турган ёшларга замонавий билимлар беришда компьютер ҳамда бошқа ўқув-техник воситаларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бўлажак педагогларнинг бу воситалар билан ишлашни ўрганиши эса умумтаълим мактабларида билим бериш самарадорлигининг ошувига хизмат қилади. Ҳайъат мажлисида бу борадаги ютуқлар ҳамда муаммолар таҳлил этилди.

Мажлис якунида иккала масала юзасидан ҳам тегишли ташкилотлар ва мутасадди шахсларга аниқ вазифалар юклатилди. Ушбу камчиликларга барҳам бериш ва жойлардаги назоратни кучайтириш борасида ҳайъат қарори қабул қилинди.

Мухбиримиз.

Xalqaro tashkilotlarda

«МАЪРИФАТ»ДА МАЪРИФАТ

Ҳа, «Маърифат»нинг мақсади элга илму маърифат тарқатиш.

«Маърифат» халқаро жамиятдир. Унинг мавжудлиги тўғрисида ҳали кўпчилик билмаслиги мумкин. Шу боис «Маърифат» газетаси «Маърифат» халқаро жамияти тўғрисида ўз муштарийларига ҳикоя қилади.

Жамият президенти, ёзувчи, халқаро журналист, марҳум Муҳиддин Ҳожи Жаббор ўғли бундан 1,5 ой муқаддам мухбиримиз саволларига жавоб берган эди. Афсуски, таҳририятимиз ушбу суҳбатни у кишининг ҳаётлик вақтларида эълон қилишга улгурмади. Бунинг учун марҳум ижодкор олдида узрлимиз.

Қуйида «Маърифат» халқаро жамиятининг фаолияти ҳақидаги ушбу суҳбатни ўқийсиз.

— Жамиятнинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад нима?

— 1991 йилда «Маърифат» дорилфунуни ташкил этилган эди. 1993 йилдан эса расман халқаро жамият сифатида тан олинди. Ўзбек тилининг мавқеини ошириш, ўзбекона урф-одат ва қадриятларни тарғиб этиш — бизнинг асосий вазифамиз. Аудиториямиз нафақат ўз мамлакатимиз, балки Ҳамдўстлик давлатлари ва хорижий юртларнинг аҳолиси ҳамдир. Биз ўзимизни ўзимиз биламиз, лекин биз ҳақимизда қўшни давлатларда, олис чет мамлакатларда ҳам билишлари керак.

— Демак, жамиятингиз халқаро ташкилотлар билан алоқа боғлаган ҳолда иш юритар экан-да?

— Шубҳасиз, 50 дан ортиқ хорижий давлатларнинг элчи ва консуллари билан алоқа ўрнатдик. Германия, Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, АҚШ, Ҳиндистон каби давлатларда фаолият кўрсатиб келаётган ташкилотлар, марказлар билан жамиятимиз алоқага чиқди. Саудия Арабистонида жамиятимизнинг шохобчаси вужудга келди. Унинг вакили этиб, шу юрт фуқароси, тилшунос Муҳаммадаюбхон Абдулмажид жаноблари тайинланди.

— Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳам ҳамкорлик қилиняптими?

— Россия, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Молдова, Қирғизистон, Белорусь давлатларининг худудлари бизга ҳар ҳолда яқинроқ. Бу юртларнинг Ўзбекистондаги элчилари билан учрашишга муваффақ бўлдик. Украина элчихонаси орқали Украина телерадиокомпаниясининг халқаро кўрсатувлар программаси, «Украина овози» газетаси таҳририятлари билан алоқа боғлашга эришдик.

Тожикистон элчихонасидан келган хатда эса жамиятимиз фаолияти тўла қўллаб-қувватланган. Бу республика маориф вазирлиги жамиятимиз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО орқали ҳам у-бу ишлар қилиняптими?

— БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик жаноблари бизга ёрдам беражагини айтди. Бу ташкилотлар билан яқинлашувимиз энди бошланяпти. Назаримда, яхши ишлар қилиш мумкин.

— «Маърифат» Ўзбекистон ҳақида, унинг халқи тўғрисида маълумотлар тўплашга қийналмаяптими?

— Йўқ, мутлақо. «Ўзтелерадиокомпания» ижодкорлари билан ҳамкорликда беш қисмдан иборат фильмлар мажмуасини яратдик. «Наврўз» байрамини акс эттирувчи кинолавҳалар ҳам тайёрланди. Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси бизга кўмак беряпти. Ўзбек халқининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига доир 30 дан ортиқ рисолалар яратилди. Уларда юртимиз қишлоқ хўжалиги, иқтисоди, саноати ҳақида маълумотлар ҳам бор. «Ўзтелерадиокомпания»нинг «Ватандошлар» программаси, «БИ-БИ-СИ» орқали чиқишлар қилишга эришдик.

— Халқнинг руҳий бирлиги ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Зеро, тил — бу руҳий бирлик. Саволим ўзбек тилини тарғиб-ташвиқ этиш ҳақида. «Маърифат» ўзбек тилини қай тарзда тарғиб этмоқда?

— Бизда давлат тили — ўзбек тили. Демак, ёзишмалар, ҳужжат юритиш ўз тилимизда бўлиши керак. Лекин жамиятимиз аъзолари томонидан кузатилишича, аксарият вазирлик, идора ва уюшмаларда ўзбек тилига менсимасдан қараляпти. «Ўзавтосаноат», «Ўзэлектросаноат», «Ўзбекмонтажмахсускурилиш», «Ғаллабанк», Тошкент машинасозлик ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбытхим», трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Сувтаъминот» фирмасида аҳвол шундай. Тилимизга муносабат ўзгармас экан, бу бизга обрў-эътибор келтирмайди.

«Маърифат» жамияти қошидаги «Маърифат» дорилфунунини ўтган йиллар мобайнида 70 мингга яқин тингловчи битирди, гувоҳномалар олишди. 1996 йилда эса ўзбек тили, ўзбек тилида иш юритиш, лотин ёзуви имлоси ва жаҳон тилларини ўрганиш бўйича 1390 та гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳларда 18134 нафар тингловчи ўқув-машғулотларини тинглаб, жамиятимиз гувоҳномасини олишди.

— Сизнинг жавобларингиз кишига шундай хулоса беради: «Маърифат» илму маърифатни тарғиб этиш билан шуғулланар экан...

— Ақлингизга балли. Унинг номи ҳам шунга ишора қилиб турибди. Бизнинг 320 нафар илмий даражага эга ўқитувчи-мураббийларимиз бор. Улар биз билан шартнома асосида ишлайдилар. Эндиликда лотин ёзуви имлосини ўргатишни ҳам йўлга қўйдик. Хуллас, давлат тилини ва бошқа хорижий тилларни босқичма-босқич ўргатишни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Сухбатни Хулкар ТЎЙМАНОВА оққа кўчирди.

ЎЗБЕК—ТУРК АДАБИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент Давлат Университетининг маданият саройида ўзбек филологияси факультети ва Туркиянинг Узбекистондаги элчихонаси ўртасида ўтказилган «Узбек-турк адабий ҳамкорлиги» мавзуида ижодий кеча булиб ўтди.

Кечага Туркиянинг Узбекистондаги элчихонаси таълим маслаҳатчиси Аҳмад Севги ва Узбекистонда таълим соҳасида иш юритаётган бир қанча туркиялик мутахассислар ташриф буюришди.

Кеча меҳмони — шоир Аҳмад Севги ўзбек-турк адабий ҳамкорлигининг азалдан давом этиб келаётганлиги, таълим соҳасидаги икки тарафлама ҳамкорлик талабаларнинг чет давлатларда юқори савияда таълим олаётганликлари тўғрисида гапирар экан, «Узбекистон бу соҳада бизнинг энг яқин ҳамкоримиз бўлиб қолажак», дея таъкидлаб ўтди. Сунгра шоир билан талабалар ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтди. Шоир ўз ижодидан намуналар ўқиди.

Ижодий кечада талабалар ўзбек ва турк тилларида шеърлардан намуналар ўқишди, саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Кеча сўнгида факультет декани А. Расулов сўз олиб, Узбекистон ва Туркия давлатлари таълим соҳасидаги бундай юксалиш мустақилликнинг ёркин кўриниши эканлигини таъкидлар экан, талабаларимизнинг чет элларда, хусусан, Туркияда таълим олишлари, туркиялик талабаларнинг ҳам Узбекистон ўқув юртларида билим олишлари борасидаги амалий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш фикрини билдирди.

Кеча иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Хайрулла ЖУМАЕВ,
Довур ЖОЗИЛОВ.

Sport maydonchasi

ХОТИН — ҚЎРИҚЧИ

Футбол ҳаками Матье ўйиндан сўнг ишқибозлар ҳужуми-ю ундан хафа бўлган жамоа дағдағасидан қўрқмай стадиондан хотиржам чиқиб кета оладиган яккаю ягона арбитр бўлса керак. Чунки унинг шахсий қўриқчиси бор. У ҳам бўлса Матьенинг турмуш ўртоғи бўлиб, у полиция мактабларидан бирида дзю-додан дарс беради. Баъзи ҳовлиқмалар ўйиндан сўнг бу аёлдан ўз «насибалари»ни олганлар.

ХРУШЧЕВ — МАРКАЗИЙ ҲУЖУМЧИ

Сарлавхани ўқиб, коса тагида нимкоса деб тушунган бўлсангиз адашасиз. Ҳақиқатан ҳам собиқ бош котиб Никита Хрушчев 1916 йилда Ангеловка қишлоғи футбол командасида марказий ҳужумчи «лавозими»да ўйнаган. Бироқ унинг тўп тепишдаги ажойиб қобилиятини тан олган, лекин ички ликбозликка ҳаваси билан сира келиша олмаган тренер Н. С. Хрушчевни жамоадан ҳайдаган.

КОРЕЯЛИКЛАР «ТОР-МОР» БЎЛДИ

Шу йил февралда Дамашқ шаҳрида ўтказилган қуръа ташлаш натижаларига кўра, юртдошларимиз кореялик футболчилар билан бир гуруҳдан жой олишган. Ўтган ҳафта пойтахтимизнинг Марказий Ҳарбий спорт клуби ўйингоҳида жамоалар ўртасидаги дастлабки учрашув бўлиб ўтди. Ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви вазифасини ўтаган бу ўйинда Ўзбекистон Қуролли кучлар жамоаси кореялик футболчиларни 3:1 ҳисобида мағлуб этишди.

ОТ — ЙИГИТГА ҚАНОТ. ҚИЗГА ҲАМ

От спорти бўйича Ўзбекистон шахсий ва жамоа чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган терма жамоалар қатнашдилар. Аёллар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик Наталья, Манзура ва Надежда Смирновалар ғолиб чиқишган бўлса, эркаклардан пойтахтлик А. Раҳматуллаев, Д. Рўзимуҳамедов ҳамда андижонлик А. Акбаровлар юқори натижа кўрсатишди.

ЮГУРГАН МУРОДИГА ЕТАДИ

Ўзбекистонда спортнинг оммавий югуриш турига қизиқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ўтган дам олиш куни пойтахтимиздаги Олимпия музейи атрофига мингдан ортиқ югурувчилар саф тортишди. Сўнгра 300, 500 ва 1000 мертта югурувчилар 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ташкил этилди. 203-ўрта мактаб ўқувчиси Баҳром Каримбеков, бектемирлик Иршод Имазутдинов ҳамда 82 ёшли Василий Подгозинлар ғолиб бўлишди.

Ҳадемай, ёзги таътил бошланади. Мактаб ўқувчилари бўш қолган пайтларида кўчага чопишади, ҳатто улар йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш лозимлигини эсдан чиқариб қўйишади. Шуларни инобатга олиб Собир Раҳимов тумани ички ишлар давлат автомобил назорати ходимлари болалар боғчаларида, мактабларда ҳамда ота-оналар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини батафсил тушунтираётирлар. Бу тадбирлар туфайли ҳар хил ҳалокатлар олди олиниши шубҳасиздир.

СУРАТДА: туман давлат автомобил назорати катта лейтенанти З. Сайидалиев ота-оналар билан суҳбат ўтказаяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МЕТАЛЛ — БОЙЛИГИМИЗ

Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси давлатга қора металл парчаларини топшириш бўйича 1997 йилга мўлжалланган 470 тонна режани бажарганлиги ҳақида хабар беради. Металл топшириш давом этмоқда.

* * *

А. Чўлпон номидаги Андижон педагогика билим юрти жамоаси режадаги 35 тонна қора металл парчаларини тўлиқ, 150 кг. га режалаштирилган рангли металл парчаларини 210 кг қилиб, ортиғи билан бажарганлигини маълум қилади.

«ЁШ КУЧ» ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Тошкент иқтисодиёт университети фаоллар залида «Очиқчасига гаплашайлик» мавзуи бўйича «Ёш куч» журналининг бир гуруҳ ходимлари ва талабалар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни университет ректорининг маданият ва маърифат ишлари бўйича биринчи муовини, профессор Исмоил Саифназаров бошқариб борди. Кечада журналнинг бош муҳаррири Эркин Абдураҳмонов, таниқли шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Азиз Саид ва бошқа «Ёш куч» ходимлари саҳифаларда ёритилаётган барча мақолалар хусусида талабалар билан қизғин суҳбатлашдилар. Айниқса, шеърхонлик учрашувга файз киритиб юборди.

Шунингдек, университет сиртқи бўлимининг II курс талабаси, таниқли футболчи Миржалол Қосимов билан бўлган савол-жавоблар ҳам йигилганларда катта завқ-шавқ уйғотди.

«Тадбиркорлик нима», «Ишбилармонликни қандай тушунасиз?», «Бизнес, Мененджмент, маркетинг нима?», «Маънавият, маданият, маърифат, қадрият, иймон-эътиқодни қандай тушунасиз?» каби мавзулардаги баҳслар талаба-ёшларимизда чуқур таассурот қолдирди.

Суннатулла РИЗАЕВ.

Ю л д у з л а р о л а м и г а й ў л

O'qituvchilarga yordam

4. КОСМОСГА БИРИНЧИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР

АҚШ ҳукумати 1957-1958 геофизика йилларида бир неча Ер йўлдошлари учиришга қарор қилди (Собиқ Совет Иттифоқидаги жиддий ҳаракатлардан хабар топганидан кейин бўлса керак). Шундай қилиб икки йирик мамлакат орасида кўп йиллик «космик беллашув» бошланди. 1957 йилнинг 4 октябрида Собиқ Совет Иттифоқи дунёда биринчи бўлиб 83,6 кг оғирликдаги — «Спутник-1»ни, шу йилнинг 3 ноябрида 508,2 кг оғирликдаги «Спутник-2» йўлдошини чиқарди. Биринчи йўлдошнинг корпуси алюминий қотишмасидан иборат бўлиб, диаметри 58 см, сфера формасида эди ва тўртта антеннали (узунлиги 2,4 м ва 2,9 м) бўлган, ичида ҳар хил ўлчов асбоблари, передатчик бор эди. Унинг перигейдаги баландлиги 228 км, апогейдаги баландлиги 947 км бўлиб, Ерни бир айланиб ўтиш даври 96,17 мин, орбитасининг оғиши 65,1° эди, у 92 сутка яшаб, Ерни 1400 марта айланиб 1958 йилнинг 4 январида атмосферанинг зич қатламида куйиб кетди.

«Спутник-2» дунёда биринчи бўлиб учирилган биологик йўлдош эди. Орбитасининг параметрлари: перигейдаги баландлиги 225 км, апогейдаги баландлиги 1671 км, оғиши 65,3°, даври 103,75 минут. Йўлдош ташувчи ракетанинг охирги босқичида жойлашган бўлиб, бир неча контейнерда илмий ва ўлчов ускуналари ва герметик ёпиқ бўлган алоҳида кабинада Лайка номли ит жойлашган эди: кабинада итнинг ҳаётини таъминловчи, озиқлантирувчи, ўлчов олиб борадиган медицина ускуналари мавжуд эди. У цилиндр формасида бўлиб, диаметри 0,64 м, узунлиги 0,8 м, вазни 508,3 кг эди. 1958 йилнинг 14 апрелида Ерни 2370 марта айланиб, атмосферанинг зич қатламларида ёниб кетди.

1958 йилнинг 31 январида АҚШнинг биринчи сунъий йўлдоши «Эксплорэр-1» (вазни 13,5 кг) чиқарилди, шу йилнинг 17 мартида эса АҚШнинг ҳарбий денгиз флоти «Авангард» ташувчи ракетаси ёрдамида вазни 1,5 кг. лик йўлдош учирди. Бу йўлдош кичик бўлишига қарамай янгилик очди: Ернинг аниқроқ формасини (ноксимонлигини) аниқлади.

1959 йилнинг 2 январида Собиқ Совет Иттифоқи Ойга «Луна-1» космик станциясини юборди. У Ой сиртидан 5-6 минг км масофадан ўтиб, Қуёш атрофидаги эллиптик орбитага чиқиб олди ва «Мечта» номидаги биринчи сунъий сайёрага айланди. АҚШ 1959 йилнинг мартида Ой томон «Пионер-4» станциясини учириш билан бунга жавоб берди. У ой сиртидан 60 минг км узоқдан ўтиб кетди. Худди ўша йилнинг 12 сентябрида Собиқ СССР «Луна-2» станциясини Ойга учирди. У Ойга етиб бориб 14 сентябрда унинг сиртига қулаб тушди. Шу йилнинг 4 октябрида «Луна — 3» учирилди; у Ойни айланиб ўтиб Ойнинг Ердан кўринмас томонини суратга тушириб Ерга юборди. Бу дунёда биринчи автоматик бошқарилувчи космик аппарат бўлиб, бошқариш системаси оптик ва гироскопик асбобларидан, мантиқ қутиси ва микрореактив юритгичлардан иборат эди... Бу даврда АҚШнинг космонавтика соҳасидаги иши суст бўлди; 1958-1960 йиллардаги автоматик аппаратларнинг Ой томон 9 та учирилишидан ўттитаси муваффақиятсиз бўлди. Бу АҚШ ташувчи ракеталарининг кам-қувватлилигидан, носозлигидан келиб чиққан эди. У пайтлар барча космик аппаратлар катта вазнли баллистик ракеталар ёрдамида орбитага чиқариларди. Собиқ СССРда бундай ракеталар лойиҳаси анча олдинроқ ишлаб чиқилган ва улар массаси 4 тонна бўлган атом бомбасини 8-10 минг километрга элтиб ташлашга мўлжалланган эди. Уни яратишда татбиқий космонавтика соҳасидаги талантли олим ва конструктор С. П. Королёвнинг, механика, газодинамика ва тўлқинлар динамикаси соҳасидаги талантли олим ва ихтирочи, ватандошимиз Халил Аҳмедович Раҳматулин (Раҳматуллаев)нинг унутиб бўлмас ҳиссаси бор эди.

АҚШ бу соҳада орқада қолганлигига сабаб улардаги баллистик ракеталар бир тоннадан енгил бўлган водород бомбаларини элтишга мўлжалланган эди. Шундай қилиб космик эранинг бошларида АҚШнинг «хом лойиҳаланган» ракеталари узлари билан бирга ниҳоятда қиммат космик аппаратлар ва уларга ўрнатилган олтин баҳосидаги ҳамда ундан ҳам қиммат асбоб-ускуналарни ҳалок қилдилар, Америка долларларини «космоса совурдилар».

Энди АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр аэронавтика соҳасидаги талантли олим ва конструктор Вернер фон Браунга ўзиш йўлларини топишни қаттиқ тайинлади (В. Ф. Браун «ФАУ-2»нинг яратувчиларидан бири эди). Космоса биринчи бўлиб америкалик астронавтни учириш лозимлигини талаб қилди. Бунинг сиёсий аҳамияти ҳам катта эди. Одамни учиришдан олдин иккала томон ҳам ҳайвонларни учириб кўрди. Собиқ Совет Иттифоқида асосан итлар, АҚШда эса маймунлар учирилди. Мутахассислар жирафа ва айиқлар устида ҳам тажриба ўтказишни тавсия қилишган. Лекин одамнинг космосга учиши бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди. Бунда жуда кўп саволлар туғилиши ҳам табиий эди. Собиқ Совет Иттифоқида ҳатто қўшиқ айтувчи робот-манекенни ҳам учириб кўришди.

1961 йилнинг 12 апрелида Собиқ Совет Иттифоқида учувчи-космонавт Юрий Алексеевич Гагаринни орбитага олиб чиққан «Восток» космик кемаси муваффақиятли учирилди. Юрий Гагарин инсоният тарихида биринчи бўлиб орбитада Ерни 1 соат 48 минутда бир марта айланиб, Саратов областининг Тернов районидаги Смеловка қишлоғи атрофига парашютда эсон-омон қайтиб тушди. Гагариннинг космосга учиши қисқа бўлишига қарамай, оламшумул аҳамиятга эга эди. У инсон космосга бемалол учавериши мумкинлигини кўрсатди, юкланиш ва вазнсизликни кўтара олишини исботлади. Гагариннинг иродаси кучли бўлганидан у кўп қийинчиликларни, ҳатто минутига юрак уриши 180 га етганда ҳам билдирмади. Унинг бундай қаҳрамонлигига қарамай, Халқаро аэронавтика федерацияси унинг рекордини фақат 3 ойдан кейингина тан олди. Сабаби, чет элда Гагариннинг тушиш тафсилотларини билмоқчи эдилар. Федерация талаби бўйича Гагарин космик кема ичида ерга тушиши лозим эди. У эса осмонда катапульта ёрдамида кемадан ажралиб, парашютда тушган эди. Бу пайтда Собиқ СССРда ҳали вазни 3 тоннага яқин бўлган кемани омон-эсон туширувчи парашют системаси тўлиқ ишлаб чиқилмаганди. Бу имкониятга уч йилдан кейин эришилди ва 1964 йилда «Восход» космик кемасидаги экипаж парашют системаси ёрдамида бирга туширилди.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Давоми бор).

Xullas... ana shunaqa gaplar

ЎҒРИЛАР ЛУҒАТИ

Бундан бир неча йил муқаддам Тюменда ғалати бир китобнинг илк нашрлари пайдо бўлди. Бу — ўғрилар лаҳжаси(жаргони)нинг изоҳли луғати эди. Бироқ бундай ноёб луғат муаллифлари ўзларини ҳарчанд сир тутишса-да, тез орада уларнинг ҳар бири ўн-ўн йил «ўтириб» чиққан «кузур»лар эканлиги аниқланди. Қандай қилиб аниқланди, дейсизми? Ахир, бу сирли китобнинг илк ўқувчилари ички ишлар бўлими ходимлари бўлишган эди-да...

ТОШ АСРИНИНГ ТЎРАЛАРИ

Ҳа, биз «хўб, ажойиб тенглик замони бўлганда», деб ўзимизча оғиз кўпиртириб мақтайдиган ибтидоий жамоа тузуми пайтида ҳам бюрократизм, тўрачилик унча-мунча учраб турган. Олимлар Испаниянинг Пасиега ғоридаги ибтидоий асрларга таалуқли баланд тошда битилган белгиларни ўқишга муяссар бўлишганда айнан шундай фикрга келишди. Чунки ўша белгиларни ҳозирги замон тилига ўгирсак, «Бу ерга сўроқсиз кириш ман этилади», деган мазмун берар экан...

ЭРИНМАГАН ЭРНЕСТ

Олмониянинг Бинеген шаҳри «сигаретлар пойтахти» деб аталиши кўпчиликка маълум. Шу ерлик фуқаро Эрнест Польнер деган биродаримиз узунлиги 3, 65 метр, эни 2 метр бўлган ғаройиб трубка ясабди. Бу трубкага бирваракайга бемалол 24 килограмм тамаки солиш мумкин. Бу ғаройиботни яратишга Эрнест эринмай бир ҳафта вақт сарфлаган...

«ЖУҒРОФИЯ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар! Машқ жавобларини шаклда рақамли хонадан ёйлар бўйича ёзиб ҳал этиш билан жуғрофия фанига оид билимингизни синаб кўринг.

1. Шимолий Африкадаги давлат. 2. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 3. Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари ҳудудида жойлашган тарихий вилоят. 4. Бир ердан иккинчи ергача бўлган оралиқ. 5. Катталиги жиҳатидан денгиз номини олган Ер куррасидаги энг катта шўр кўл. 6. Осиёдаги энг шимолий ярим орол. 7. Самарқанд вилояти Зарафшон дарёси соҳилидаги яйлов сифатида фойдаланиладиган чўл. 8. Ҳиндистондаги Ражастхон штати маркази бўлган шаҳар. 9. Туркиянинг шарқидаги сўнган вулқон. 10. Осиё қитъасининг Калимантан оролидаги султонлик давлати. 11. Шимолий Америкадаги давлат. 12. Хорватия Республикаси пойтахти. 13. Марказий Осиёдаги тизма тоғ. 14. Арабистон ярим оролининг шимолий-шарқидаги давлат. 15. Ғарбий ярим шардаги давлат пойтахти. 16. Бразилия ва Аргентинадан оқиб ўтувчи дарё. 17. Африка билан Сицилия оралиғидаги оролда жойлашган давлат. 18. Вест-Индиядаги пойтахти Нассо шаҳри бўлган кичик мамлакат. 19. Жанубий Американинг шимолий-ғарбдаги давлат пойтахти. 20. Европанинг Висла ва Одра дарёлари ҳавзасидаги давлат. 21. Шарқий Сибирдаги дарё. 22. Ғарбий Африкадаги мамлакат. 23. Америка қитъасидаги номдош давлат, пойтахт ва канал. 24. Испаниядаги порт шаҳар. 25. Дунёдаги аҳолиси энг кўп пойтахтлардан бири. 26. АҚШнинг ғарбидаги штат. 27. Африкадаги пойтахти Лилончве шаҳри бўлган давлат. 28. Филиппин давлати пойтахти. 29. Ғарбий ярим шарни кашф этган генуялик денгиз сайёҳи. 30. Урта денгиздаги митти давлат. 31. Туркистондаги Аҳмад Яссавий ҳаёти билан боғлиқ шаҳар. 32. Қора денгиз соҳилидаги порт шаҳар. 33. Баҳрайн пойтахти. 34. Кунботар томоннинг қадимий номи. 35. Африканинг шимоли — шарқи Синай ярим оролидаги давлат пойтахти. 36. Узбекистондаги вилоят.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Қизиқарли ҳаёт болани зериктирмайди

Тўғри, республикамизда ўрнак олса арзийдиган, тажрибали тарбиячиларимиз талайгина. Уларнинг ана шундай юксак даражага етишишлари, ҳурмат-эътиборга эга бўлишларининг асосий сабабчиси болалар эканлигини ёш тарбиячи ходимларимиз билишадими?

Пастдарғом туманидаги «Капалак» болалар боғчасига кириб борганимизда жажжилар ширин уйқуда эдилар. Бир гуруҳ боланинг уйқудаги вақти ҳам жуда ёқимли бўларкан. Бири икки қўлчасини бошининг остига қўйиб ухлаяпти, бири жилмайиб-жилмайиб қўйди — туш кўраётган бўлса керак. Боланинг ҳар бири ўзгача — ухлашидан билиниб турибди. Шу зайл гуруҳларни секин айланиб чиқдик.

Гапнинг очиғи бу боғчани ҳам ота-оналардан, ҳам раҳбарлардан сўраб-суриштириб танладик. Ота-оналарнинг айтишларича, болалари боғчага бормайман, деб ҳархаша қилишмас экан. Раҳбарларнинг фикрига кўра бу боғчада тартиб-интизом яхши, болалар қатнови, яъни гуруҳлардаги болалар сони доим меъёрдан тушмас экан. Болалар уйқудан уйғонишгунча боғча мудираси Нигорахон Саъдинова билан суҳбатлашдик.

— Болалар қатнови уч йилда (унинг мудира бўлганига уч йил бўлган экан) ҳеч камайгани йўқми? — сўраймиз ундан.

— Камаймади десам ёлғон бўлар, лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Ота-оналар иқтисодий қийинчилик вақтида ойлик тўловни беришга бироз оғриндилар. Бироқ биз ҳам тарбия жараёнини қўлимиздан келганча ўзгартиришга ҳаракат қилдик. Масалан, бугун илғор боғчаларга урф бўлган инглиз тилига эътиборни қаратдик. Мутахассис топиб ўйин орқали тилни болаларга ўргата бошладик. Кейин жисмоний чиниқишларини кўзлаб таэквандо машқларини ҳам йўлга қўйдик. Қиз болаларга каштачилик элементларини ўргата бошладик. Болаларнинг энг қизиқ машғулотларига айланган қўғирчоқ театрини ташкил қилдик. Бунда ўйинчоқлар ёрдамида томоша кўрсатувчи актёрлар ҳам, томошабинлар ҳам болаларнинг ўзлари. Тайёрлов гуруҳимиз бор. Ҳарфларни ўрганиб бўлишди.

Болалар ҳам уйғонишди. Нигорахон айтган янгиликларнинг айримларини кўзимиз билан кўриш учун тайёрлов гуруҳига ўтдик. Ҳарфларни ўйин орқали таниш, ўрганиш, танлаш мумкин. Деворда ўрнатилган ҳарфлар кассасидан (лотин ёзувига асосланган) ҳарфини олиб, «бу қандай ҳарф» дея сўрадик. Чуғур-чуғур қилиб жавоб беришди. Кейин айтган ҳарфларимизни ажратишди. «Яна нимани биласизлар?» дедик. «Шеър биламиз» дейишди. «Мадҳияни биласизларми?» дедик. Болалар самимий... «Мен айтай, мен айтай...» Айтиб беришди. Қувонмай бўладими?

Шкафда турган ўйинчоқларнинг бирортаси яп-янги турмаганлиги бизни қувонтирди. Чунки уларни болалар яхши кўриб ўйнашади. Ҳар бир бола ўзининг яхши кўрган ўйинчоғини кўрсатди. Бу хонада ҳеч нарса ва ҳеч ким боладан узоқ, бегона эмас. Бола ўзини ана шундай муҳитдагина эркин сезади ва «боғчага бормайман» дея хархаша ҳам қилмайди.

Албатта, боғчанинг ўзига хослиги бизни қувонтирди.

Н. ИСЛОМОВА.

Munozara uchun mavzu

БОҒЧАЛАРДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛАЯПТИМИ?

Болалар боғчаси ҳам бир оила. Бу оиланинг ўз қувонч ва ташвишлари, ширин-шакар ўғил-қизлари—тарбияланувчилари ҳамда меҳридарё оналари — боғча опалари бор. Мураббийлар олдида болаларни едириб-ичириш, ҳар томонлама билим бериш, соғлом ўстириб мактабга кузатиш вазифаси туради. Ана шу вазифаларни адо этиш масъулиятини барча ҳам бирдек ҳис этмаётгани ташвишланарли ҳолдир. Биз — болалар боғчаларининг ходимлари бир муаммога эътибор қаратмаймиз. Боланинг кўнглига қараш, улар кўзи билан ҳаётни кўриш, фикри билан фикрлаша билиш ишимизда муваффақият бўлишини баъзида унутиб қўямиз.

Оддий бир мисол: она хизматга кетаётиб, дилбандини боғчага олиб келди. Бола йиғи-сиғи билан истамайгина боғчада қолди. Хўш, айтингчи, бунга сабаб нима? Ўша бола боғчадан, яъни боғча опасининг муомаласидан кўнгли тўлмайди. Боғча унинг учун зерикарли, мажбурий машғулотдек бўлиб туюлади. Фарзандининг йиғисидан кунгли бир алфозда бўлган она ҳам қандай ишлайди? Қуряпсизми, биргина тарбиячининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашмагани, болалар билан «тил»лаша олмагани давлатга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтиряпти.

Мазкур муаммонинг ечимини топиш эса фақат ўзимизгагина боғлиқ. Ўз устимизда кўпроқ ишлашимиз, узаро тажриба алмашишимиз, қандай йўл тутсак боғчага болалар байрамга келгандай хуш кайфиятда келиб, кечга томон ота-она бағрига хурсанд қайтиши йўлларини излашимиз лозим. Биз бунга маълум бир даража етишганмиз, десам муболаға бўлмайди.

Эрта тонгданоқ илиқ табассум билан кутиб олган мураббийни қайси фарзанд яхши кўрмайди дейсиз? Самимийлик ва хушмуомалалик кун давомида тарбиячига ҳамроҳлик қилса, бола эркин фикрлайди, кўнглидаги гапини айтишга, бор истеъдодини намойиш қилишга интилади.

Болалар масканимизда турли ўйинлар ташкил этиш, байрам кечаларини ўтказишда ҳечам қийналмаймиз. Чунки тарбияланувчиларимиз «менга шеър беринг», «мен раққса тушай», «мен ашула айтиб берай» сингари ташаббус билан чиқадилар.

Ота-оналар билан биргаликда «Намунали оила», «Сув ва нон», «Бола азиз — одоби ундан азиз», «Табиатни эъзозлайлик», «Миллий урф-одатларимиз — болалар наздида» сингари кечаларни ташкиллаштириб турамиз. «Меҳмон» деб аталган кечамизда эса болалар ота-оналарни чой ва ширинликлар билан маҳмон қиладилар.

Ҳурматли ҳамкасблар, сизларда аҳвол қандай? Ижобий ютуқларингиз билан ўртоқлашсангиз. Газета орқали тажриба алмашишни йўлга қўяйлик. Бу фақат ишимизни янада мукаммаллаштиришга хизмат қилиши аниқ.

Раъно РАҲИМОВА, Тошкент шаҳридаги «Оқлайлак» болалар боғчаси мудираси.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон ҲАЙИТ, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6